

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Сурхондарё минтақавий йўлларга
буюртмачи хизмати давлат унитар
корхонаси директори
А.Боқиев

« 20 » 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли "Обод кишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимликлари тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишлари бўйича 2022-йил учун

ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАР

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. Мазкур регламент Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сон "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни нинг талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, танлов комиссиясининг танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида комиссиянинг олиб борадиган иш тартиби, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини белгилайди.

1.2 Танлов комиссияси давлат буюртмачисининг тегишли қарори билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган ҳамда танлов ғолибини белгилаш ваколатига эга бўлган доимий фаолият кўрсатувчи коллегиял орган ҳисобланади.

1.3 Танлов комиссияси аъзоларининг сони тоқ сондан иборат бўлиб, Сурхондарё вилоят хокимининг 2022 йил 18 апрелдаги № 19-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

1.4 Танлов комиссиясининг асосий мақсади, танлов иштирокчиларининг таклифлари (бундан буён **оферта** деб юритилади)ни буюртмага, яъни танлов предметига мос келишини ўрганиб ва унга объектив баҳо бериб, рақобат муҳитида танловларни амалга оширишдан иборатдир.

1.5 Танлов комиссия аъзолари, танлов жараёни ғолибини аниқлашда тарафқашлик ҳамда манфаатдорликка йўл қўймашликлари лозим.

1.6 Танлов комиссиясининг ишини комиссия раиси бошқаради. Комиссия раиси, ёки унинг топшириғига кўра комиссия котиби, комиссия йиғилишини ташкил қилади ва ўтказишни, таклифларни овозга қўяди ва комиссия қарорини эълон қилади.

1.7 Танлов комиссиянинг ташкилий ишларини комиссиянинг масъул котиби ташкил қилади.

1.8 Ҳар бир танлов комиссияси аъзоси "ха" ва "йўқ" усулида овоз бериши, ёки "бетараф" бўлиши мумкин. Комиссия раиси бетараф бўлишга ҳақли эмас.

2. ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ.

Танлов комиссияси қуйидаги иш фаолиятларини бажаради:

- ўз иш фаолияти бўйича регламентни белгилайди;
- танлов ҳужжатларида миқдори белгиланган шартларга кўра, танлов буюртмасини таъминлаш қафолати шаклини тасдиқлайди;
- оферталарни қабул қилишнинг сўнги куни ва вақтини белгилайди.
- танлов жараёнини белгиланган тартибда расмийлаштиради;
- оферталарни танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб беришини текширади (ҳужжатларнинг тўлиқлиги, расмийлаштириши ва ҳ.к.).
- мустақил экспертларни жалб қилиш лозимлиги ҳақида хулоса чиқаради ёки комиссия аъзоларидан баҳолаш гуруҳини тузади;
- танлов ҳужжатларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига асосан оферталарни ўрганади ва баҳолайди, ғолибни аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

- танлов жараёнида келиб чиққан низо ва келишмовчиликларни ўрганиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади.

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

2.1 Танлов комиссиясининг биринчи йиғилиши танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ўтказилади ва комиссия томонидан қуйидагилар кўриб чиқилади ва келишилади:

- а) танлов ҳужжатларининг таркиби;
- б) оферталарни белгилашга қўйиладиган талаблар ва шартлар;
- б) талабгорларнинг таклифлари (оферталар)ни қабул қилиш муддатлари;
- в) таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонлари;
- г) танлов буюртмасини таъминлаш кафолати миқдори ва шаклини;
- д) танлов иштирокчиларининг таклифлари (оферталари)ни очиш куни ва вақти;
- е) танлов ғолибини аниқлаш ёки танловни ўтмаган деб эълон қилиш сабаблари.

2.2 Техник баҳолаш мезонлари объектнинг лойиҳа суммасига нисбатан белгиланади.

Изоҳ: танловга қўйилган объектнинг бошланғич нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 6000 гача баробари бўлган объектлар учун №1 жадвал.

2.3 Молиявий баҳолаш мезонларининг балларини ҳисоблаш, бошланғич ва энг кам нарх ўртасида ҳисобланадиган интерполяция формуласи орқали амалга оширилади.

2.4 Танлов комиссияси танлов ҳужжатларида бирор-бир талабгорга устунлик берувчи баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмас.

2.5 Танлов комиссиясининг биринчи йиғилишида комиссиянинг иш тартибини белгилувчи регламент тасдиқланади, танлов ҳужжатлари таркиби келишилади. Танлов ҳужжатларида карама-қаршилик ҳолатлари бўлса, у буюртмачи томонидан қайта ишлаб чиқилади.

2.6 Қоидага кўра, навбатдаги танлов комиссиясининг мажлисида талабгорларнинг оферталари очилади, малака талабларига баҳо берилади, ғолиб аниқланади ёки бошқа қарор қабул қилинади. Комиссиясининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш муддати 3 (уч) кундан кечикмаган ҳолда эълон қилинади. Комиссия раиси, раис ўринбосари ёки комиссиянинг камида 3 та аъзоси талаби билан комиссиянинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилиши мумкин.

2.7 Мажлисида йиғилиш танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

2.8 Комиссия ишига таалукли барча ҳужжатлар комиссия котиби томонидан расмийлаштирилади. Комиссия котиби комиссия аъзоси деб ҳисобланмайди ва овоз бермайди. Қоидага кўра, комиссия котиби сифатида танлов ташкилотчисининг ходими тайинланади.

2.9 Ваколатли орган вакили танлов комиссиясининг йиғилишида кузатувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, қарор чиқаришга ҳуқуқига эга эмас.

3. ХУЖЖАТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ.

3. Танловда қатнашиш учун иштирокчиларни малакавий танлаш.

3.1 Танлов таклифларининг сони камида иккитани ташкил қилган ҳолдагина ташқи ҳужжатлар қрилади.

3.3 Талабгорлар вакилларига ташкилотчиси томонидан тегишли тартибда расман хабар берилади.

3.4 Оферентлар 1-шакл, яъни “Танлов (танлов) буюртмасини таъминлаш банк кафолатномаси” (объект нархи 0,3 %)ни тақдим қилишлари ёки танлов талабномасини таъминлаш учун объектнинг бошланғич қурилиш қийматига нисбатан 0,3% миқдоридаги маблағни буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб беришлари ва танловда ўтказган маблағи тўғрисидаги тўлов топшириқномасининг асл нусхасини комиссия йиғилишига тақдим этишлари шарт.

Мазкур регламент Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни кўра оферент танлов ғолиби деб топилиб, буюртмачи билан пудрат шартномаси тузгандан кейин ёки ғолиб деб топилмаса, кафолат учун ўтказган маблағини бошқа объектга йўналтириш тўғрисида буюртмачига расмий хат билан мурожаат қилиб, ушбу маблағ шу

объект учун ҳисобланганлиги тўғрисида маълумотнома олиши мумкин. Маълумотномага аввалги объект учун маблағ ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов топшириқномасининг нусхаси қўшилади.

Оферентлар 5-шакл, яъни 20% миқдорида айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги Республика бош банкининг банк кафиллигини тақдим қилишлари ёки объект бошланғич нархининг 20% миқдорида айланма маблағлар мавжудлиги ҳақидаги тижорат банки томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган асл нусха маълумотнома тақдим этишлари шарт.

Айланма маблағлар объект бошланғич нархининг 20% дан кам миқдорини ташкил этган ҳолларда, иштирокчи айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги банк тасдиқлаган маълумотномани ва етмаётган суммага банк кафиллигини тақдим этишлари мумкин.

Агарда оферентлар томонидан бошқа объектнинг танлов савдоларида ғолиб деб топилган бўлса ўша объектнинг 20 фоизига тенг айланма маблағи айрилган ҳолда ҳисобланади ва қолган қисми танловга қатнашётган объектнинг 20 фоизидан кам бўлмаслиги ёки етмаётган суммага банк кафиллигини тақдим этишлари мумкин.

3.8 Талабларга жавоб берган оферентлар кўриб чиқиш учун қабул қилиниб, комиссия аъзоларига кўриб чиқиш учун берилади. Талабларга жавоб бермаган оферентлар комиссия аъзоларига кўрсатилиб, уларни рад этиш масаласи овозга қўйилади. Овоз бериш натижасига асосан комиссия қарори қабул қилиниб, талабларга жавоб бермаган оферентларни тақдим этган оферентлар танловдан четлаштирилади.

3.9 Комиссия қарори билан оферентларнинг малакавий кўрсаткичларини баҳолаш учун комиссия аъзолари таркибидан баҳолаш гуруҳи тузилади.

3.10 Биринчи пакетларни ўрганиб чиқиш ва баҳолаш баҳолаш гуруҳи томонидан оферентларсиз ёки уларнинг вакилларисиз танлов ҳужжатларидаги тасдиқланган мезонларга асосан ўтказилади.

1-пакет ҳужжатлари бўйича танлов комиссиясида ёки баҳолаш гуруҳида саволлар пайдо бўлганда улар оферентни ёки унинг вакилини тушунтиришлар бериш учун чақириш ҳуқуқига эга.

Комиссия ёки баҳолаш гуруҳи оферентдан унинг офертасидаги маълумотларни тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатларнинг асл нусхаларини қўшимча равишда тақдим этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3.11 Баҳолаш гуруҳи аъзолари оферентларнинг кўрсаткичларини баҳолашда оферентларнинг малакавий кўрсаткичларини батафсил кўриб чиқиб, оферентларнинг ишлаб чиқариш базалари, омборлари, молиявий ҳолати, қурилиш техникаси ва кичик механизмлар тўғрисида 1-пакет ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мослигини, аввал бажарилган қурилиш объектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилганлигини, шунингдек, бошқарувчи ва муҳандис-техник ходимларнинг диплом ва меҳнат дафтарчалари ва бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини ўрганиб чиқади.

3.12 Баҳолаш гуруҳи аъзолари танлов ҳужжатларида белгиланган техник жиҳатдан баҳолаш кўрсаткичлари жадвалини ҳамда ҳужжатларини баҳолаш варағини тўлдиради ва хулосасини комиссиянинг навбатдаги йиғилишига тақдим этади. Баҳолаш гуруҳининг хулосаси комиссия йиғилишида баҳолаш гуруҳининг аъзоларидан бири томонидан ўқиб эшиттирилади. Танлов комиссияси аъзолари ўртасида овоз бериш тартиботи ўтказилиб, баҳолаш гуруҳининг хулосаси ёки бошқа қарор қабул қилинади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси берган овози тўғрисидаги маълумот махфий ҳисобланади ва ошкор этилмайди.

Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлар ва мезонларга кўра оферент объектда ишлатиш учун таклиф этган зарур қурилиш техникалари ўз балансида бўлса 1 коэффицент билан, агарда ушбу қурилиш техникалари ижарага олинган бўлса 0,5 коэффицент билан баҳоланади. Қурилиш техникасининг техник паспорти ксеронусхаси ва ижара шартномасининг нусхаси тақдим этилиши шарт.

3.13 Баҳолаш гуруҳининг тавсиялари ўрганиб чиқилгандан кейин танлов комиссияси электрон овоз бериш тартиботини ўтказиш асосида қарорлар қабул қилади. Танлов комиссияси баҳолаш гуруҳининг тавсияларига норозилик билдирганда, баҳолаш гуруҳига қўшимча ўрганишларни ўтказиш ёки танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан мустақил равишда

танлов таклифларини баҳолаш варақлари ва якуний жадвалларни тўлдирилиши тўғрисида кўрсатма бериши мумкин.

3.14 Агар офертани техник баҳолаш натижаларига кўра оферент зарур балларни (60 балл) тўпласа, унинг офертасини танловнинг кейинги босқичларида кўриб чиқишга рухсат берилиши тўғрисида танлов комиссиясининг ижобий қарори қабул қилинади.

Оферентларнинг электрон ҳужжатларини техник жиҳатдан баҳолаш натижаларига кўра 60 баллдан кам балл тўплаган оферентларнинг малакаси етарли эмас деб топилади ва ушбу оферентлар танловдан четлаштирилади.

3.15 Танлов таклифлари бўйича танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз бериши натижалари тўғрисидаги маълумот махфий хусусиятга эга ва ошкор этилмайди.

3.16 Ҳар бир офертанинг кейинги босқичларга ўтиши танлов комиссияси аъзоларининг кўпчилиги овози билан ҳал қилинади. Овозлар тенг бўлганда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

3.17 Оферентларнинг ҳужжатларни техник жиҳатдан баҳолаш натижаси комиссия раиси томонидан оферентлар ёки уларнинг вакиллари иштирокида қуйидаги тартибда эълон қилинади:

- танлов ҳужжатлари талабларига жавоб берган ва рухсат берилган оферталарга эга бўлган оферентлар номи;
- оферталари танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермаганлиги, ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва баҳолаш натижаси ва комиссия аъзолари ўртасида ўтказилган овоз бериш натижасига кўра малакаси етарли эмас деб топилганлиги сабабли оферталари рад этилган оферентлар номи.

3.18 Танловда қуйидаги қатнашчилар қатнашиши мумкин эмас:

кайта ташкил этиш давридаги, тугатиш ёки банкротлик жараёнида бўлган, шунингдек, бир-бирига тўғридан-тўғри ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқлиги мавжуд бўлган, акциядорлик, молиявий қатнашиш, холдинг шаклидаги ташкилотлар;

танлов эълон қилинган кундан камида олти ой олдин ташкил топган бўлса;

буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида бўлса;

лицензияси мавжуд бўлмаса, агарда САЖда кўрсатилган бўлса;

виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган бўлса;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлари мавжуд бўлса.

4. ТАКЛИФ НАРХ, КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ТАРКИБИНИ БАҲОЛАШ.

4. Танлов таклифларининг ички электрон баҳолаш.

4.1 Оферентларнинг танлов комиссиясининг электрон тартибда курилади:

- комиссия котиби
- оферент танлов комиссияси тасдиқлаган ва талабгорлар учун қўлланмалардаги талабларга мувофиқ бўлиши керак;
- Талабларга жавоб берган оферталар кўриб чиқиш учун қабул қилиниб, комиссия котиби оферентларнинг нарх ва муддат бўйича тақдим этилган молиявий таклифларини, танлов предметининг буюртмачи томонидан белгиланган бошланғич қиймати ва лойиҳани амалга ошириш муддатлари эълон қилинади;
- оферентлар томонидан тақдим этилган ишларнинг физик ҳажмлари ҳамда ресурс қайдномалари танлов комиссияси ёки молиявий баҳолаш гуруҳи томонидан танлов ҳужжатларининг молиявий қисмида кўрсатилган ишлар рўйхати ва ҳажмларига мувофиқлиги ўрганиб чиқилади;
- танлов комиссиясининг қарори билан оферентларнинг молиявий таклифларини баҳолаш учун комиссия аъзолари таркибидан баҳолаш гуруҳи тузилади.
- баҳолаш гуруҳи аъзолари оферентлар томонидан тақдим қилинган ҳисоб-китоблар буюртмачи томонидан тасдиқланган иш ҳажмларига мослиги, қурилиш материаллари, ашёлари ва конструкциялари, зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг нархлари бугунги кундаги нархларга асосланганлигини текширади ва арифметик текширувдан ўтказилади. Ҳисоб-китоблари тўлиқ ва тўғри тақдим қилинган оферентларнинг таклифлари танлов ҳужжатларида белгиланган баҳолаш мезонларига асосан интерполяция йўли билан баҳоланади.

- танлов талабларига жавоб бермаган оферталар комиссия аъзоларига кўрсатилиб, уларни рад этиш масаласи овозга қўйилади. Овоз бериш натижасига асосан комиссия қарори қабул қилиниб, талабларга жавоб бермаган оферталарни тақдим этган оферентлар танловдан четлаштирилади

4.3 Танлов комиссияси энг рақобатбардош нархлар билан ишлар(хизматлар)ни бажариш шартлари ва танлов шартларида белгиланган бошқа мезонларга асосан танлов ғолибини аниқлайди.

4.4. Танлов комиссияси баҳолаш гуруҳининг тавсияларига норозилик билдирганда, баҳолаш гуруҳига танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан мустақил равишда молиявий таклифларни баҳолаш варақлари ва якуний жадвалларни тўлдирилиши тўғрисида кўрсатма бериши мумкин.

4.3 Танлов таклифларининг баҳолаш мезонлари танлов ҳужжатларида келтирилган. Шунга кўра, энг катта балл тўплаган танлов таклифи ғолиб чиққан деб ҳисобланади. Офертада таклиф қилинган қийматни ўзгартириш юзасидан оферентлар билан музокаралар олиб бориш таъқиқланади.

4.4 Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати, улар тушган кундан бошлаб олтмиш кундан ошмаслиги керак.

4.5 Агар танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ишончли эмаслиги аниқланса, танлов комиссияси бундай оферентни исталган босқичда танловда қатнашишдан четлатишга ҳақлидир.

4.6 Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ, танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш қуйидагиларга асосланади:

- биринчи пакет ҳужжатлари бўйича тўпланган баллар миқдори;
- танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар;
- таклиф этилаётган нархларнинг буюртмачи томонидан белгиланган танлов предмети қийматидан юқори бўлмаслиги;
- таклиф этилаётган қурилиш муддати.

4.7 Агар энг паст нарх таклифини берган иштирокчининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган моддий ва жисмоний ишлар ҳажмининг етишмаслиги аниқланган бўлса, танлов комиссияси мазкур иштирокчининг таклифини энг паст нарх сифатида қабул қилишга мажбур эмас.

4.8 Танлов комиссияси танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш ёки бошқа қарорни САЖда кўрсатилган муддат давомида қабул қилиши керак

4.9 Агар танлов таклифининг асл нусхаси ва нусхаси (копия) ўртасида тафовут бўлса, асл нусхаси тўғри деб қабул қилинади

4.10 Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш билан боғлиқ барча маълумотлар махфийдир ва ошқор этилмайди.

4.11 Таклифнинг молиявий қисмини баҳолашда танловнинг қиймати, тўлов шартлари ва муддатлари ҳисобга олинади.

4.12 Танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган тўлов шартлари ва муддатлари кўрсатилган таклифлар рад этилиши мумкин.

4.13 Танлов ҳужжатларининг нарх қисмида кўрсатилган буюртмачининг бошланғич нархидан ошиқ бўлган таклифлар қабул қилинмайди. Бошқа нарх таклифлари ўрганилиб, уларнинг тўлиқлиги, буюртмачи талабларига мувофиқлиги, арифметик хатолар мавжудлиги билан баҳоланади. Хатолар мавжуд бўлса, танлов комиссияси таклифни рад этиш ёки танлов савдоларини қайта кўриб чиқиш шартларини белгилаш ҳуқуқига эга. Бу ҳақда танлов қатнашчилари хабардор қилинади.

4.14 Арифметик хатолар бўлган таклифлар, танлов комиссияси томонидан белгиланган талабларга мувофиқ тузатилиши керак. Оферент танлов комиссияси талабларига мувофиқ ўз таклифидаги хатоларни тузатишдан бош торса, бундай қатнашчининг таклифи рад этилади.

4.15 Малака талабларига мувофиқ бўлган иштирокчилар техник ва нарх параметрлари бўйича таққосланади.

4.16 Танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва талаблар асосида шартномани бажариш учун энг яхши таклиф берган оферент танлов ғолиби деб ҳисобланади.

4.17 Танлов ғолиби ёки комиссиянинг бошқа қарори комиссия йиғилишида оферентлар ёки уларнинг вакиллари иштирокида эълон қилинади. Йиғилишда иштирок эта олмаган оферентларга ёзма хабар юборилади.

4.18 Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади ва мазкур масалалар бўйича муваффақият қозона олмаган талабгорлар билан ҳеч қандай музокаралар олиб борилмайди.

5. ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ.

5.1. Танлов комиссияси танлов иштирокчиси (оферент)нинг малакасини тасдиқловчи исталган ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир

5.2. Танлов комиссияси ҳужжатларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳини тузишга ҳақлидир.

5.3. Қуйидаги ҳолатларда танлов комиссияси ўз қарори билан оферентни кейинги босқичда катнашишдан четлатишга ҳақлидир :

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, танлов ҳужжатлари талаблари бузилган тарзда ҳужжатлар расмийлаштирилган ёки малака кўрсаткичлари ҳақида нотўғри, ёлгон маълумотлар берилган бўлса;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ агар танловга қўйилаётган ишлар турини бажариш учун лицензия талаб этилган бўлса-ю, оферент лицензияга эга бўлмаса;
- агар оферент қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш, банкротлик ҳолатларида ёки мулки ҳибсга олинган бўлса;
- танловда иштирок этаётган оферентлар бир-бири билан боғлиқ, бир-бирига нисбатан таъсис этиш далолатномаси, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклларда ифода этилган ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий қарамликка эга бўлса.

Малакавий ҳужжатлар ва танлов таклифлари очилган конвертлар танлов иштирокчиларига қайтарилмайди.

5.4. Танлов комиссияси ўз йиғилишида офертани кўриб чиқаётганда унинг мазмуни бўйича оферентдан тушунтиришлар олишга ҳақли. Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан таклиф этилган қиймат ва муддатни ўзгартириб юборадиган тушунтиришлар беришни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

5.5. Танлов комиссияси томонидан қуйидаги ҳолатларда танлов ўтмаган деб эълон қилиниши мумкин:

а) танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугаган вақтгача битта ҳам таклиф келиб тушмаса;

б) танловда иштирок этиш учун учтадан кам таклиф келиб тушган бўлса.

Изоҳ: Агар танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугашига қадар учтадан кам таклиф қабул қилинган бўлса, танлов ўтказилмаган деб эълон қилинади ва танлов тўғрисида янги эълон берилади.

в) Танлов комиссияси таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича барча таклифларни рад этса ёки фақат битта таклиф танлов ҳужжатларининг талабларига жавоб берса.

Агар танлов ўтказилмаган деб эълон қилинса, буюртмачи яна бир хил мезонлар асосида ва худди шу шартларга ва ишларга қўйиладиган талабларга биноан қайтадан танлов ўтказиши шарт.

5.6. Танлов бўлиб ўтмади деб эълон қилинганда комиссия оферентларнинг арз ва даъволарини қабул қилмаслик ҳуқуқига эга, улар олдида ҳеч қандай мулкӣ ёки бошқа юридик жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

5.7. Танлов комиссияси процессуал масалалар юзасидан тегишли қонунчилик базаси билан асосланган тақдирда қарор қабул қилишга ҳақлидир.

5.8. Агар танлов комиссияси аъзоларини бирор-бир масала юзасидан иштирокчилар билан боғлиқлик хусусияти мавжуд бўлса, танлов комиссиясининг бундай аъзоси баённомада қайд этилади ва ушбу масалада овоз беришда ўз-ўзини рад этиши ва овоз беришда қатнашмаслигини билдириши лозим.

Агар овозга қўйишдан аввал, танлов комиссияси аъзоларидан бирини иштирокчи билан боғлиқлик хусусияти борлиги ҳақида хабар топса, лекин ушбу комиссия аъзоси бу ҳақида комиссияни хабардор қилмаган бўлса, бундай аъзо ушбу масала бўйича овоз беришдан чиқарилади.

Агар танлов комиссияси қарор қабул қилинганидан кейин тегишли масала бўйича овоз берган комиссия аъзосининг иштирокчи билан боғлиқлик хусусияти борлиги тўғрисида хабардор бўлса, ўша комиссия аъзосининг овози ушбу масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташланади.

5.9. Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси "Ҳа", "Йўқ" ёки "Бетараф" овоз бериши усули билан қатнашиши мумкин. Харид комиссияси раиси овоз беришда қатнашмаслик ҳуқуқига эга эмас.

5.10. Танлов комиссиясининг ишини комиссия раиси бошқаради. Танлов комиссияси йиғилишини буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси ташкил қилади ва ўтказди. Комиссия йиғилишини олиб боришни раис комиссия котибига юклаши мумкин. Комиссия раиси қатнашмаган ҳолда, комиссия раисининг ўринбосари унинг вазифаларини бажаради.

5.9. Танлов комиссияси танловни ўтказиш тартиботларига доир қонунчиликка асосланган ҳар қандай қарорлар қабул қилиши мумкин.

5.12. Танлов комиссиясининг иш тартиби ёки таркиби бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар ўзгарганда, ушбу Регламентга танлов комиссияси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

6. ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Танлов комиссиясининг жавобгарлиги қуйидагилардан иборат:

- танлов ғолибини аниқлаш тартиб-қоидаларининг Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сон "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни талабларига, қабул қилинган қарорларининг асослилиги ва ҳолислигига мувофиқлиги;

- қворумсиз, кам миқдордаги овоз билан ёки танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олмаган ҳолда танлов босқичларини ўтказиш, оферентлардан уларнинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни асоссиз тақдим этишни талаб қилиш;

- оферентларнинг интеллектуал мулки ёки тижорат сирини дахлсизлиги ҳуқуқларининг бузилиши;

- танлов ҳужжатларида кўзда тутилмаган малака маълумотларини танлов иштирокчиларидан тақдим этишларини талаб қилиш;

- акциядорлик, молиявий қатнашиш, холдинг ва бошқа шакллар кўринишидаги бир-бирига бевосита ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг, қайта ташкил этиш (бирлашиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида мулкка таъқиқ белгиланган ташкилотларнинг танловда қатнашишига руҳсат этиш;

- танлов қатнашчиларини танловда қатнашишдан асоссиз четлатиш;

- оферта мазмуни, шу жумладан таклиф этилган қиймат ва муддатни ўзгартириб юборадиган тушунтириш ва тўғриллатишларга йўл қўйиш;

танлов комиссияси йиғилишида оферент таклифининг ҳужжатлари таркибига қўшимча равишда берилган ҳужжатларни асоссиз равишда қабул қилиш;

сирли бўлган процессуал масалаларни очиқ муҳокама қилиш ва кўриб чиқиш, махфий маълумотларни ошкор қилиш, танлов иштирокчилари, комиссия аъзоларининг ўзлари ёки жалб қилинган экспертлар билан тил бириктириши, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар;

танлов комиссиясининг очиқ йиғилишида танлов ғолибини аниқлаш, танлов ғолиби деб эълон қилиш тартибининг бузилиши, мавжуд бўлмаган қатнашчиларни ўз вақтида хабардор қилмаслик.

Танлов комиссияси бошқа давлат харидлари субъектлари томонидан амалга оширилган харакатлар учун жавобгар бўлмайди.

Танлов комиссияси ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлар барча танлов иштирокчилари учун мажбурийдир.

6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу Регламент танлов ҳужжатларининг ажралмас қисми бўлиб, у танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга кирилади.

Бошланғич баҳоси 6000 БҲМгача бўлган объектлар бўйича танлов таклифларини техник баҳолаш мезонлари

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар микдор и	Танлов иштирокчилари		
I. Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати. 1-шакл.					
1.	Пудратчи томонидан танловда иштирок этишга ва ўз таклифидаги зиммасига олинган мажбуриятлар ижросини сўзсиз кафолатловчи декларация				
II. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2-шакл (19 балл)					
1.	Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги.	4			
2.	5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар)	3			
3.	Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.	3			
4.	Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.	3			
5.	Ходимларнинг йиллик уртача сони	3			
6.	Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги	3			
III. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар (34 балл)					
1.	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солик тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициентлари 1,25 ва ундан кўп Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициентлари Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача микдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади)	6			
2.		6			
3.		5			
4.		4			
5.		4			
6.		3			
7.		6			
IV. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси*. 5-шакл (25 балл)					

1.	Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш:	15			
2.	Йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (хар бир йил 5 балл билан баҳоланади) Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.	10			
V. Машина ва механизмлар рўйхати, 6-шакл (20 балл)					
1.	Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган? Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади)	15			
2.	Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги**	5			
VI. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл					
1.	Танлов предмети – объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида лойиҳани бажариш учун керакли бўлган инженер-техник ходим (камида 1-2 киши) ҳамда машина ва механизмлар бошқа объектларга жалб этилганлиги баҳолаш даврида инобатга олинади – 2 ва 7-шакллар				
VI. Қурилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 9-шакл.		2			
1.	Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги	1			
2.	Тавсиянома (вилоят (шаҳар) қурилиш бўйича ҳоким ўринбосари ва қурилиш бош бошқармалари билан келишилган ҳолда)	1			

Изоҳлар:

* Объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича шартномавий мажбуриятлари асосиз бир ойдан икки ойгача кечиктирилганда 50% балл олиб ташланади, икки ойдан уч ойгача – иш таърибаси баҳоси нолга тенглаштирилади, уч ойдан ва ундан кўпга - танлов комиссияси танлов иштирокчиси таклифини четлаштиришга ва 2-йигма жилдани очмасдан қайтаришга ҳақли.

** Объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) учун керакли қурилиш машиналари ва механизмлари сони ва рўйхати объектнинг хусусияти, қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) ва яқинлаш муддатларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Машина ва механизмлар сони ва рўйхати танлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Рўйхат танлов ташиқлотчиси томонидан 7-шаклда, машина ва механизмлар сони танлов таклифларининг техник баҳолаш мезонларида кўрсатилади.